

Бир кунлик жарима ёхуд 5 ойлик изтироб...



2-бет

Снос... ноқонуний ер... Мурожаатлар ва муаммолар



4-бет

Тўй-тўй эмас кўпқари бўлиб кетганди



5-бет

Ошиқ-маъшукликнинг машъум якуни



7-бет



ИНСОН ҚОНУН

25 февраль 2020 йил / № 07 (1211)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

АВВАЛЛАРИ электрон почтага “Сизга, узоқ бир давлатнинг номи ёзилиб, фамилиядошингиз катта мерос қолдирди. Унинг қариндош-уруғлари йўқлиги боис, бу мерос Сизга тегадиган бўлди”, деган хабарлар келиб турарди. Узоқдаги “қариндошимдан” унча-мунча ҳам эмас, катта миқдордаги пуллар васият қилиб қолдирилган бўларди. Аслида зарур пайтда яқин қариндошигдан ҳам пул олиш амри маҳол бўлган замонда, бундай “саховатпеша” қариндошларнинг пул васият қилиши ортида молиявий жиноятлар яширингани бор гап. Айтганча, йиллар ўтиб электрон почтага яна шу хабар келди. Бу гал узоқдаги “қариндошим”нинг манзили ва исми ўзгарганди. Матндаги қолган барча сўзлар, ҳатто нуқта-вергулигача бир хил. Бошқа давлатдан ҳам топилбди, шундай “хотамтой” қариндошлар, деб ўйлардим киноя билан. Билишимча, интернетдаги фарибгарлар исм-шарифларини ва манзилни ўзгартириб, чиқмаган жондан умид дея содда интернет фойдаланувчиларини ўз қармоғига илинтирар экан.



“СИЗ ПУЛ ЮТДИНГИЗ!” ИШОНДИНГИЗМИ?

Кейинчалик телефондаги телеграм каналлари орқали ҳам шу каби фарибгарлик “уйинлари”га дуч кела бошладим. Телефонимга “Сиз ўйин иштирокчисига айландингиз”, “Сиз пул ютиб олдингиз”. Хуллас, бу жараённинг охири пластик картангиз ҳақидаги маълумотларни ва унинг ичидаги пулларни ҳам фарибгарлар қўлига топширишингиз билан якун топади.

Афсуски, кейинги пайтда фуқароларга тегишли банк пластик карталаридан ноқонуний равишда пул ечи олиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларда бунга мисол бўладиган ҳолатлар берилган.

Мана, бир мисол. 2019 йил 15 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Бегуний туманида яшовчи фуқаро М.Б.нинг уяли телефондаги Telegram ижтимоий тармоғининг “Jesco aksiyasi” гуруҳидан унга “Сиз 75 минг сўм пул ютдингиз, пулни телефон рақамингизга

ташлаб берамиз”, деган смс хабари келади. Ушбу хабар орқали М.Б.нинг телефон рақами ва пластик карта рақами аниқланади. Бироқ унинг пластик карточкасига пул маблағи тушмайди, аксинча, 868 минг сўм ечиб олинади.

Яна бир ҳолат. Фарғона вилоятининг Фарғона туманида яшовчи фуқаро Б.А. туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида жорий йилнинг 11 январь куни номаълум шахс соат тахминан 21:15 ларда ўзига тегишли бўлган пластик карточкасидан маълум миқдордаги пулни ноқонуний йўл билан ечиб олганлигини, номаълум шахсни аниқлаб, унга қонуний чора кўришни сўраган.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида маълум бўлишича, фуқаро Б.А. 11 январь куни соат 21:11 ларда Самарқанд шаҳридаги хонадонда бўлган вақтида ўзига тегишли ошхона мебелини сотиш мақсадида унинг суратини интернет дўконига жойлаштиради. Кўп ўтмай, унга Россия Федерациясига тегишли бўлган абонент рақамидан кўнгироқ бўлади. Нотаниш киши Б.А.га ошхона мебелини сотиб олишини, пулни эса пластик картага ўтказиб беришини айтиб, ундан пластик карточкасининг серия рақами ва смс хабаридеги кодни сўрайди. Табиийки, бегонага ишонган фуқаро ҳув тушади – унинг пластик картасидан жами 1.442.000 сўм пул маблағи ечиб олинади.

Ҳозирда ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилган.

Сизга-чи, Сизга ҳам “Пул ютдингиз”, “Ютуқли акция ғолиби бўлдингиз” қабилидаги хабарлар келмадими? Ҳали ҳам ютуқ эгаси бўлганингизга ишонаёلمисизми?

Хулоса қилиш ўзингиздан.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

6 МИЛЛИОН 284 МИНГ СЎМ. БУ КИМНИНГ ҲАҚИ ЭДИ?

ФИРУЗА Ҳақимованиннг иккинчи фарзанди учун туланиши лозим бўлган ҳомиладорлик нафақаси туланмасдан келинаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати Кармана туман адлия бўлими томонидан урганлиди.



Фируза Ҳақимова Кармана туман халқ таълими бўлими буйруғига асосан тумандаги 14-умумтаълим мактабининг ҳисобчиси вазифасига ишга қабул қилинган. У Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасининг меҳнатга лаёқатсизлик varaқасига асосан Кармана туман халқ таълими бўлими томонидан ҳомиладорлик таътилига чиқарилганлигига қарамасдан, унинг меҳнат шартномаси ноқонуний равишда Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисм, 1-бандига асосан бекор қилинганлиги аниқланди. Натижада Ф.Ҳақимованиннг иккинчи фарзанди учун туланиши лозим бўлган ҳомиладорлик нафақаси туланмаган.

Бундан ташқари, Кармана туман халқ таълими бўлими томонидан Ф.Ҳақимовага оғохлантириш хати юборилиб, белгиланган муддатга рўя қилмасдан ноқонуний равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ чиқарилган.

Бу каби ноқонуний ҳолатлар фуқаро Кармана туман адлия бўлимига ариза билан мурожаат этгач аниқланди. Адлия бўлими 2017 йил 29 декабрдаги ноқонуний равишда чиқарилган буйруқни гайриқонуний деб топишни ва фуқаро Ф.Ҳақимова-нинг иккинчи фарзанди учун туланиши лозим бўлган ҳомиладорлик нафақасини тўлаб беришни сўраб туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритди. Шундан сўнг Ф.Ҳақимова ишга тикланди ва унга 6 миллион 284 минг сўм миқдорда ҳомиладорлик нафақаси тўлаб берилди.

Пўлатжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Кармана туман адлия бўлими бошлиғи

ИШДАН БЎШАТИЛГАН КОЛЛЕЖ ХОДИМЛАРИГА НАФАҚА ТЎЛАНМАГАН

УЙЧИ туманида фуқаролар А.Маҳмудов, З.Досматов, Н.Нуриддинов, Х.Раҳманов, Ҳ.Умрзақов, Ш.Турсуновлар ишдан бўшатиш бўлса-да, уларга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаган.



Ўрганиш давомида ушбу фуқароларнинг 2019 йил 26 август куни тумандаги Уйчи иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан вазифасидан озод қилинганлиги, бироқ уларга коллеж маъмурияти томонидан ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаганлиги аниқланди. Адлия бўлими томонидан коллеж маъмуриятига огоҳнома киритилганидан кейин ушбу фуқароларнинг ҳар бирига ишдан бўшатиш нафақаси тўланди.

Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,
Уйчи туман адлия бўлими бошлиғи

PM.GOV.UZ GA KELGAN MUROJAAAT ЎРГАНИЛДИ

ШЎРЧИ туман, “Жарқишлоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро У.Қосимова тумандаги 33-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Унга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ҳамда бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа берилмаган. У бундан норози бўлиб, Адлия вазирлигига pm.gov.uz орқали мурожаат йўллади.



Ўрганиш жараёнида, фуқаро У.Қосимованинг ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ҳамда бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ҳақиқатан ҳам берилмаганлиги аниқланди. Адлия бошқармасининг аралашуви билан фуқаро У.Қосимованинг 6 368 000 сўм ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун ҳисобланган пули ҳамда 446 000 сўм миқдорда бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўлаб берилди.

Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

ЎТГАН 2019 йилда Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент вилоят бошқармасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 1 минг 73 та мурожаат келиб тушган. 2018 йилда эса мурожаатлар сони 890 тани ташкил этган эди. Бу, бир тарафдан фуқароларнинг Давлат хизматлари Агентлигига бўлган ишончи ортиб бораётганидан дарак берса, бошқа тарафдан, соҳада ўз ечимини кутаётган тизимли муаммолар мавжуд эканлигини ҳам кўрсатади. Бошқарма мутахассислари томонидан мурожаатларни доимий таҳлил қилиш ҳамда уларни ўз муддатига ижро этилиши назоратга олинганлиги боис, бир қатор муаммо ва камчиликларни бар-тараф этиш имконияти яратилмоқда.

Ҳар куни эшигимизни қоқиб, муаммо билан келаётган одамлар бор...



Ўтган йили жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мурожаатларнинг 1 минг 25 таси қўриб чиқилди. Уларнинг 268 таси қаноатлантирилган бўлса, 757 нафар фуқаронинг мурожаатига тушунтириш берилган. Мурожаатлар ўрганилганда, уларнинг аксарияти ўзбошимчилик билан қўрилган иморатларни қонунийлаштириш ҳамда болаларни мактабга таълим муассасасига жойлаштириш масалаларига оид эканлиги аниқланди.

Масалан, Қуйи Чирчиқ туман,

“Кўксарой” маҳалласида истиқомат қилувчи Д.Усмонов ва Қирай туман, Тараққиёт маҳалласида яшовчи З.Зиявиддиновларнинг ўзбошимчилик билан қўрилган уй-жойга мулк ҳуқуқини эътироф этишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мурожаати ўрганиб

чиқилди. Мазкур мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилиб, мулкка нисбатан эгаллик белгилаш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарорини туман Давлат хизматлари маркази орқали олиш мумкинлиги уларга тушунтирилди.

Нурафшон шаҳар, Янгиҳаёт қўرғонда яшовчи Н.Сиддиқованинг мурожаатига кўра, 2019 йил 8 ноябрь куни фарзанди Машрабжонов Хусниддинга Нурафшон шаҳар Давлат хизматлари маркази орқали шаҳардаги 11-сонли мактабга

таълим муассасасига жойлаштириш бўйича йўлланма берилди. Шунингдек, Ангрен шаҳар, Дукент қўрғони, 13-даҳа, 16-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Н.Раҳмонованинг ҳам мурожаати ўрганилиб, 2015 йилда туғилган фарзанди Амирхон Раҳимовни шаҳардаги 41-сонли мактабга таълим муассасасига жойлаштириш бўйича йўлланма тақдим этилди.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарду ташвиши ётади. Бир идора эшигини тақиллатиб, ўз муаммоларини айтаётган одамлар оғирини енгил қилишимиз, ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашимиз талаб этилади. Бугун халқ билан ҳамнафас бўлиш, унинг қувонч ва шодлиқларига шерик бўлиш, қийналган дамларида амалий ёрдам кўрсатиш бизнинг бош мақсади-мизга айланмоғи лозим.

Жасур ҚАЮМОВ,
Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бир кунлик жарима ёҳуд

5 ОЙЛИК ИЗТИРОБ...

НУКУС шаҳрида яшовчи фуқаро А.У. Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан қўлланилган маъмурий жаримадан норози бўлди. Унга Нукус шаҳар давлат солиқ инспекциясининг буйруғига асосан инспекция инспектори томонидан шаҳар ҳудудига фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлигини аниқлаш мақсадида рейд текшируви ўтказилган.

Ўтказилган рейд давомида, фуқаронинг турмуш ўртоғи ўзига тегишли бўлган Нукус шаҳар, Ислам Суўретши кўчаси, 14-уйнинг 22,63 фойзини Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси томонидан тасдиқланган “Тураржойни ҳада этиш тўғрисида”ги шартномага асосан ҳада қилиб олганлиги ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказмаганлиги аниқланган.

Аниқланган ҳолат юзасидан инспектор томонидан А.У.га маъмурий баённома расмийлаштирилиб, шу куннинг ўзида 223.000 сўм жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бироқ Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси томонидан тасдиқланган “Тураржойни ҳада этиш тўғрисида”ги шартномага асосан ҳада этилаётган тураржойнинг бир қисмига мутаносиб бўл-

ган ер участкасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилмаганлиги сабабли, фуқаро А.У. мазкур ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун Нукус шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганлиги ва шаҳар ҳокимининг ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори кечикиб қабул қилинганлигига ҳамда бу ерда фуқаронинг айбсиз эканлигига эътибор қаратилмаган.

Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқиши керак бўлса ҳам А.У.га нисбатан маъмурий баённома орадан 5 ой ўтгандан сўнг қўриб чиқилган.

Юқоридаги ҳолатлар А.У. вазирликка мурожаат қилгач аниқланди.



Шунга асосан, вазирлик томонидан Нукус шаҳар давлат солиқ инспекциясининг фуқаро А.У.га нисбатан 223.000 сўм жарима солиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилиб, шаҳар давлат солиқ инспекциясининг қарори бекор қилинди.

Гайрат ТЛЕУМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

ҚАШҚАДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорининг 7-илоvasи билан тасдиқланган “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари ижроси юзасидан Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасида бошқарма ва унинг тизимида ишлаб келаётган ишчи ходимларнинг ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланаётганлиги юзасидан мониторинг ўтказилди.

ЎРМОНЧИЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ НЕГА БЕРИЛМАДИ?



Мониторинг натижасида Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасида 2019 йил январь ойдан декабрь ойига қадар бошқарма ва унинг тизимида ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларнинг жами 332 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ўз вақтида тўланмай келинаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасига тақдимнома киритилди ва натижада бошқарма ва унинг тизимида ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларнинг жами 332 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Сардор РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Снос... ноқонуний ер... МУРОЖААТЛАР ВА МУАММОЛАР



Хайрулло СОБИРОВ,
 Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:

Уй тузишда ҳам, уй бузишда ҳам тартиб бор!

— Халқимиз орасида “фалон кишининг ери “снос”га тушиб, “фалон тadbirkорнинг ери давлат ихтиёрига олиб қўйилди” каби гап-сўзлар кўп учрайпти. Хўш, аслида муаммо нимада? Муаммо фуқароларимиз ўз мулкый ҳуқуқларини тасарруф этишда оқсоқлик билан иш тутаетганлариди, ернинг муқаддас бойлик эканлигини, у давлат муҳофазасида эканлигини тушуниб етмаётганликлариди кўринади.

Айни вақтда мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ҳақида узоқ гапириш ёки қандайдир янгилик яратишининг кераги йўқ. Шунчаки, фуқароларимизга “снос” нима эканлигини ва унинг ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлардан фарқи нимадалигини халқчил тилда тушунтиришни лозим топдик.

“Снос” деганда фуқаролар ва юридик шахсларга фақатгина қонуний тартибда тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми олиб қўйилиши ва олиб қўйилган ер участкаси ёки унинг бир қисми (яъни давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинган ер участкасининг бир қисми)га тенг миқдорда ер участкаси ва компенсация берилиши тушунилади.

Ер участкаси ёки унинг бир қисми фуқаролар ёки юридик шахсларга қонуний тартибда тегишли деганда, туман (шаҳар) ҳокимининг фуқарога ер ажратиши назарда тутувчи қарори мавжудлиги, уй-жой қуриш учун туман (агар шаҳар ҳудудида бўлса, шаҳар) қурилиш бўлими билан фуқарога ажратилган ер участкасида қурилиш ишларини олиб бориш юзасидан келишилган лойиҳанинг мавжудлиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ қурилганлигини тушуниш лозим.

Бу борада ер участкасини олиб қўйиш Ҳукуматнинг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида ҳамда унда кўрсатиб ўтилган асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Яъни, ер участкасини олиб қўйишга зарурат туғилганда биринчи навбатда ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида очиқ муҳокама ўтказилади;

иккинчидан, ҳокимлик ёки инвестор томонидан дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади, шунингдек, компенсация бериш учун етарли ресурслар мавжудлиги ўрганилади;

учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгаши томонидан ер участкаси олиб қўйилишидаги фойда ва харажатлар ўрганиб чиқилади, ресурслар етарли бўлганда ҳамда фойда ва харажатлардан устун келган тақдирда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Ҳокимликлар ер участкаси олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли эмас;

тўртинчидан, ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ҳамда ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади;

бешинчидан, келишилган компенсация берилмагунча кўчмас мулклар бузиб ташланишига йўл қўйилмайди;

олтинчидан, олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бинони бузиш ҳам адлия органларининг ижобий хулосасидан кейингина амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбошимчалик билан қурилган тураржой ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси ўртасидаги фарқларга тўхталиб ўтамай.

Қурилиш ишлари олиб борилиши мумкин бўлмаган ерларда, ҳокимнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаган ҳолда, қурилиш бўлими билан келишувга эришмасдан, қурилиш нормаларини бузган ҳолда қурилган бинолар ўзбошимчалик билан қурилган, деб ҳисобланади.

Қонунийлигимизга мувофиқ, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди, уни сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини икки хил тушунишимиз мумкин:

биринчидан, фойдаланилмаётган, аввал ҳоким томонидан ҳеч қимга фойдаланиш, эгалик қилиш учун ажратиб берилмаган ер участкасининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан эгаллаб олиниши (бугунги кунда, аҳоли яшаш жойи ва экин майдонлари чегарасида истикомат қилувчи фуқаролар томонидан экин майдонлари ҳисобланган ҳудудларни ўз ер участкасига қўшиб олиш ҳолатлари тез-тез кузатишмоқда);

иккинчиси, ҳоким томонидан бошқа шахсларга ажратиб берилган ер участкаларини ўзгалар эгаллаб олиши ер участкасининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ҳисобланади.

Бу каби ер участкаларга қурилган иморатлар ўз-ўзидан ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар, деб топилади ва бундай иморатлар 15 кун ичида иморатни қурган шахс томонидан ёки суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс ҳисобланади бузиб ташланиши лозим. Шунингдек, бузиш ишлари ёки бузилган иморат учун компенсация берилмайди.



Анвар РЎЗИЕВ,
 Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
 биринчи ўринбосари:

Ер кодексида нима дейилган?

— Ер кодексининг 90-моддасида Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда, қишлоқ ҳўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганликда ҳамда ерлардан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шомол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувиغا олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасига асосан табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш ҳамда 65-моддасига асосан ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга туширганлик учун етказилган зарарга қараб жарима жазолари қўлланилади.

Агар ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, унда Жиноят кодексининг 229¹-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Белгиланган жавобгарлик чораларидан ташқари Ер кодексининг 91-моддасига асосан ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Ер участкаларини олиб қўйишнинг янги тартиби

Ҳақиқатан ҳам ўтган йил давомида ижтимоий тармоқларни кузатар эканмиз, шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилиши мақсадида фуқаролар ва тadbirkорларга тегишли бўлган бино ҳамда иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши давомида айрим ҳолларда кўпол камчиликларга ва қонунбузилишларга йўл қўйилди.

Айни масалада қонунбузилишлар бўлганлиги сабабли бу борада умуман янги тартиб жорий этилди. Эндиликда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ер участкасини олиб қўйиш Ҳукуматнинг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида ҳамда унда кўрсатиб ўтилган асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Унга кўра:

- ер участкасини олиб қўйишга зарурат туғилганда биринчи навбатда ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида очиқ муҳокама ўтказилади;
- ҳокимлик ёки инвестор томонидан дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади, шунингдек, компенсация бериш учун етарли ресурслар мавжудлиги ўрганилади;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан ер участкаси олиб қўйилишидаги фойда ва харажатлар ўрганиб чиқилади, ресурслар етарли бўлганда ҳамда фойда ва харажатлардан устун келган тақдирда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Ҳокимликлар ер участкаси олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли эмас;
- ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ва ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади.

Қонуний равишда ерни қуйидаги тартибда олишингиз мумкин

Ўзбекистон фуқаролари фақат “E-IJRO AUKSION” майдончасидаги электрон аукцион натижалари бўйича яққа тартибда уй-жой қу-

риш учун ер олишлари мумкин. Бироқ бунда 2 та истисно назарда тутилган: ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари, шунингдек, ўзлари эгаллаб турган уй-жойни ҳокимликларга ўтказётган шахслар ер участкасини олишга арiza билан ҳокимликка мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда фақат участка чегараларини натурда белгиланганлик, батафсил режа лойиҳасидан нусха тайёрланганлик ва ерга бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказганлик учун тўловни амалга оширишга тўғри келади.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яққа тартибда уй-жой қурилиши олиб борилаётган массивлар аукционда иштирок этмайди.

Шунингдек, битта фуқарога тегишли бўлиши мумкин бўлган участкалар сони чекланмаган. Лекин биргина шахс аукционда яққа тартибда уй-жой қуриш учун ерга бўлган ҳуқуқни бир йилда 1 мартадан кўп сотиб олишга ҳақли эмас.

Аукцион ҳақидаги эълон у ўтказилишидан 30 календар кун олдин жойлаштирилади. Иштирок этишга бюртманомаларни қабул қилиш 2 иш куни олдин тўхтатилади. Бюртманомана бериш учун махсус порталда рўйхатдан ўтиш, ЭРИ олиш, шунингдек, аукцион иштирокчисининг шахсий счётини тўлдириш йўли билан катта миқдорда закат — лот бошлангич қийматининг 50 фоизини қиритиш керак бўлади.

Аукционда иштирок этишга электрон бюртманомалар баҳарнома жойлаштирилган кундан бошлаб автоматик режимда қабул қилинади, уларни қабул қилиш эса аукцион ўтказиш куниндан 2 иш куни олдин (соат 13:00 да) яқунланади.

Шунингдек, иштирокчиларга навбатдаги ставкани дастлабки белгиланган қадмининг 5, 10 ёки 20 баравари миқдорда мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади.

Аукцион яқунлангунга қадар, иш куни мобайнида соат 09:00 дан 18:00 гача ўтказилади. Бироқ бу иштирокчиларда кун давомида ўзлари учун қўлай вақтда таклифларини қиритиш ҳуқуқи борлигини англамайди. Гап шундаки, охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида ҳеч қим навбатдаги таклифни қиритмас, охириги таклифни қиритган иштирокчи аукцион голибига айланади.

2019 ЙИЛНИНГ 14 сентябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгашларининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор ҳамда у билан тасдиқланган низом жорий йилнинг 1 январидан кучга кирди.

ТҲЙ-ТҲЙ ЭМАС КҲПКАРИ БҲЛИБ КЕТГАНДИ

Хўш, ушбу қарорнинг долзарблиги нимада кўринади?

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда халқимиз миллий қадриятларимизни “эсдан” чиқариб, ким ўзарга тўй қилиш “касали”га чалинди. Очиқ айтиш керакки, айрим димоғдорлар дабдабали тўйлар қилиб қуюшқондан чиқиб, кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлди. Буни яшириб бўлмайди. Энг ёмони, маҳалла оқсоқоли, фаолларга қулоқ солмай, уларни менсимай, ўз билганларича тўй-маърака қилиб миллий қадриятларимизга, қолаверса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатдилар. Улар бу билан айрим ночор оилаларнинг нафсониятига теғди.



сўрайди. Ўтказилган тадбирлар ибрат қилиб кўрсатилади.

Шу ўринда бир нарсани айтсам. Эсимда, биз яшаётган маҳаллада ўндан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилишарди. Маҳалламизда тартиб-интизом қатъий эди. Маҳалла раиси Рисолат опа Мухаммадиевани ҳамма кексаю ёш бирдек ҳурмат қиларди. Камтарин, кўпни кўрган бу аёлнинг гапи гап эди, унинг гапини ҳеч ким икки қилмасди. Айниқса, тўй-маъракаларда опанинг қатъий назоратида бўларди. Ортиқча дабдабага мутлақо йўл қўйилмасди. Энг эсда қоларлиси, маҳалламизда истиқомат қиладиган рус ва бошқа миллат аёллари тўй-маъракаларда бошларига рўмол ўрашарди. Бизнинг урф-одатимизни ҳурмат қиларди. Бир гал ночор оила эгаси темирчи Саша акага тўйда опа беқасам тўн ва хиром этик

совға қилиб, уни роса хурсанд қилган эди. Маҳалламизда тўйлар роса хурсандчилик билан ўтказиларди. Турли миллат вакиллари ўзларининг миллий мусиқа асбобларини олиб келиб куй қилиб рақсга тушиб даврани роса қиздирарди. Дурадгор Бўрон бобо ва унинг рафиқаси Робия момолар ёшлари бир жойга борганига қарамай, тўйларда даврага тушиб, лапарлар айтардилар. Болалар уйининг директори раҳматли Раҳмон Тошпулатов давра боши вазифасини ўтаб ҳаммани ўйинга чорларди. Бундан ташқари, маҳалламизда Ўзбекистон Халқ артисти Ҳамро Омонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳмон Ризаевлар ҳам тўй-маъракаларда беминнат хизмат қилишарди. Маҳалла ошпази Абдулла бобо, чойхоначи Махсум ака, сўфи (хабарчи) Патилло боболар ўз хизматларини адо

этиб бўлгандан сўнг даврага тушиб, шундай чиройли рақсга тушишардики, уларнинг жозибали миллий ўйинлари ҳаммани ўзига ром этарди.

Маҳаллада тўй ва маърака ўтказиш учун белгиланган тартибда навбат қилинарди. Маърака кунни белгилангандан кейин бир кун олдин маҳалла раиси, фаоллар тўйчининг хонадонига ташриф буюриб, унинг режаси ва имкониятларини сўрашарди. Опа камтарона ортиқча дабдабасиз тўй қилишни тўйчининг олдига кўнгаландан қилиб кўярди. Ночор оилаларга маҳалла томонидан ёрдам уюштириларди. Кимдир тўйчига нон ёпиб берар, кимдир ширинликдан қарашар, бошқача айтганда, кўпчиликнинг ҳамматчи билан тўй қизикарли ва завқли ўтказиларди.

Тўғри, бугун замон ўзгарди. Кечаги гап бугунгисига тўғри келмайди. Шукрки, халқимиз тинч ва фаровон яшамоқда. Шу туфайли уларнинг диди ва талаби юқори. Буни инкор этиб бўлмайди. Яхши яшашга, яхшилик кунларда хурсандчилик қилишга ҳамма ҳақли. Ўз орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга ҳам ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди. Лекин дунёда ҳар бир нарсанинг чек-чегараси бор. Ўз орзу-умидларини рўёбга чиқарман, деб қуюшқондан чиқиб, бошқаларнинг нафсониятига теғиш ваколати ҳеч кимга берилмаган.

Бугун айрим кимсаларнинг юқоридаги қарордан норозилиги

қулоққа чалинмоқда. Буни яшириб бўлмайди. Лекин бир нарсани унутмаслик керак, халқнинг нафсониятига теғиш хотамтойлик билан ўз бойлигини кўз-кўз қилиб, кўплаб кишиларнинг ғазабига учраётганларга энди йўл йўқ. Қарор қатъий, шикоятга ўрин бўлмайди.

— Аслида тўй яхшилик ва эзгулик маъракаси, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси шоира Эракатош Шукурова. Лекин биз уни кейинги пайтда кўпқарига айлантириб юбордик. Халқимиз ўртасида мен сёндан камми, деган ақда томир отди. Айрим одамлар очиги бир кунлик тўй учун миллионлаб пул сарф қилиб ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийин аҳволга солиб қўйдилар. Ахир ўйлаб кўринг, атиги бир-икки соат қийиладиган “зағс” қўйлаги фалон сўм. Шу маъракаи ўтказишга иштирок этадиган ўнлаб машиналар учун фалон сўм харажат қилинди.

Матбуотда тўйлар ҳақида эълон қилинган қарорнинг моҳиятини ҳар биримиз англамас, бу халқимиз учун қони фойдаку. Камхарж, камтарона ўтказиладиган тўйлар ўша оиланинг бюджетига ярайдику. Қўйинки, ўзлимиз миллий қадриятларимизни унутмайлик. Уни барҳаётлигини сақлаб қолайлик.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОНДА шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида мавжуд бино ва иншоотларни баҳолаш учун тиклаш қийматининг йириклаштирилган кўрсаткичлари мавжуд. Бу нима дегани? Айнан шу кўрсаткичлар орқали бинолар ва иншоотларнинг тегишли йилдаги қиймати тикланиб, аниқланади.

БИНО ВА ИНШОТЛАР қандай баҳолашини биласизми?

Айтайлик, Икки қаватли яшаш уйининг (литер 0023) баҳоси куйидагича аниқланади:

Икки қаватли яшаш уйининг (литер 0023) ҳажми инвентар маълумотига асосан 1244,0 м³ ни ташкил этади.

Ушбу турдаги икки қаватли яшаш уйининг 1м³ учун 1991-йилдаги тикланиш баҳосига асосан 134,9 сўмни ташкил этади.

Ушбу тикланиш баҳосига куйидаги тўғриловчи коэффициентлар қўлланилади:

- ички баландлиги учун — 0,96;
- пойдевори йўқлиги учун — 0,95;
- зилзилабардошлилиги учун — 1,15;
- газ таъминоти мавжудлиги учун — 1,026;
- иссиқ сув таъминоти мавжудлиги учун — 1,026;
- ташиқ пардози учун — 1,102.

134,9*0,96*0,95*1,15*1,026*1,026*1,102=164,13 сўм

Демак, икки қаватли яшаш уйининг 1991 йилдаги тикланиш баҳоси: 164,13*1244,0, яъни 204177,72 сўмни ташкил қилади.



Хилола ҚОСИМОВА,
Ҳадича Сулаймонова номидаги суд экспертиза маркази Давлат суд эксперти

Бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиб боришининг ҳозирги даврида экспертиза тажрибасида товар баҳосини аниқлашнинг куйидаги услублари (ёндашувлари) дан фойдаланилади:

Даромад услуби. Бунда баҳоланаётган объектни нархи, ундан келгусида олиш мумкин бўлган даромадларни ҳисоблаш орқали аниқланади. Ушбу услуб назарий мулоҳазаларга асосланиб, объектни ишлаб чиқаришга жорий қилишдан даромад олиш имкониятлари ёки уни сотиш билан даромадга эришиш кўзда тутилади.

Таққослаш (қийслаш) услуби. Бунда баҳоланаётган объектнинг нархи у билан бир хил ёки унга ўхшаш объектнинг

яқин вақт оралиғида сотилиш баҳосидан ёки унга тақлиф этилган баҳодан келиб чиқилади.

Сарф-харажатлар услуби. Бунда баҳоланаётган объектнинг нархи, унинг емирилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, айна шу каби объектни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) учун сарф бўладиган жами харажатлар миқдори орқали аниқланади;

Бозор нархлари тўғрисидаги аниқ ишончли маълумотларнинг амалда доим ҳам мавжуд эмаслиги, бино ва иншоотлар нархларини ҳисоблашда баҳолашнинг сарф-харажатли услуби кўпроқ қўлланилади.

“ПЕНСИОНЕРЛАР ҲУКУК МАРАФОНИ” ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ ШУНДАЙ НОМЛАНДИ

КЕКСАЛАРНИ эъзозлаш, уларнинг маслаҳати асосида иш кўриш азалий одатларимиздан бири. Жамият тараққиётининг асоси бўлган бу ҳаётий ҳақиқат эндиликда Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган янги ташаббус, “Пенсионерлар ҳуқуқ марафони” акциясида ҳам ўз аксини топмоқда.

Мазкур акцияга Жиззах шаҳрида старт берилди ва режа асосида барча туманларда давом эттирилмоқда. Ушбу акцияга Бюджетдан ташқари пенсия жағфармаси вилоят бошқармаси ва туман бўлимларининг малакали мутахассислари жалб қилинган бўлиб, мурожаат этувчиларга соҳадаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти тўлиқ тушунтириб берилмоқда. Мазкур марафон кўплаб аҳолини қамраб олиши учун кўча палаткалар ташкил қилинган бўлиб, бевосита халқ орасига кириб боришга хизмат қилмоқда. Ушбу акция доирасида ҳуқуқий тарқатма материаллар ҳам улашилмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Аввал судни қўлга олишди...

ЧОР мустамлакачилиги Марказий Осиёни босиб олгач, бу худуддаги табиий бойликларни ўзлаштириши ўзининг асосий иши, деб билди. Аҳолига нисбатан амалга оширилган жазо сўбаси эса Чор ҳукуматига ўлка бойликларидан фойдаланиш, туб аҳолининг миллий гурурини ерга уриш, менталитетига ёт ижтимоий-ҳуқуқий институтларни жорий этиш учун хизмат қилиши керак эди. Бир сўз билан айтганда, подшо ҳукумати Туркистон мустамлака маъмуриятига бу ерлар империянинг таркибий қисмига айланганини билдирувчи давлат идораларини барпо этиш вазифасини юклаган эди. Шу билан бирга, Чор Россияси Туркистонда ҳарбий зўравонлик, турли жазолаш усулларини қўллამасдан ўз ҳукмронлигини амалга ошира олмаслигини англаган. Шу боис ҳам чоризм ўлкани эгаллагач, дастлаб амалга оширган ишлардан бири суд идораларини ислоҳ қилиш бўлди. Мақолада рус мустамлака бошқаруvidан аввал маҳаллий қози ва бийлар суди шаклланиши масалалари ёритилади.



Ўшанда ҳам судлар бўлинган экан

Шариатга кўра, жиноятлар фуқаролик ва жиний ишларга ажратилган. Қози томонидан жиний ишларнинг қўриб чиқиши чекланган. Фақат қозилар қурултойигагина бекнинг тақдимномасига кўра, оғир жазолар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган. Қозилар қурултойида қозикалон расулик қилган. Оғир жазолар фақат бек тасдиғидан сўнггина амалга оширилган.



Адолатсиз қозилар бадарға этилган

Туркистон босиб олинганда ўлкадаги ўтроқ халқларда қозилик судлари фаолият юритар эди. Давлат ҳукмдори энг ўқимишли шахслар орасидан номуайян муддатга олий судья-қозикалонни тайинлар эди. У бир вақтнинг ўзида ҳам қози, ҳам барча қозиларнинг раҳнамоси бўлган. Қозиларни тайинлаш ва бўшатиш хон (амир) ёки бекнинг ихтиёрида бўлган. Адолатсиз ва гаразли қарорлар қабул қилган қозилар истеъфога чиқарилган, мол-мулклари мусодара қилинган, сўнгра бадарға этилган. Қози лавозимига, одатда, Бухоро ёки Самарқанд мадрасаларида таълим олган, шариат қонун-қоидаларини мукаммал билган, имтиҳондан муваффақиятли ўтган талабгорларгина даъвогарлик қилиши мумкин эди. Имтиҳон қозикалон томонидан ўтказилган ва унинг тасдиғисиз ҳеч ким қозилик ўрнини эгаллай олмас эди. Қозикалон қозилар фаолиятига аралашмаган. Қози ҳал қила олмаган ишларни қозикалон ихтиёрига топширган. Қозикалон эса, ўз навбатида, бундай ишларни диний уламоларга топширган. Бутун мусулмон Шарқда Бухорои шариф мадрасасини тамомлаган кишилар қадрланган. Таъқидлаш кераки, қози нафақат суд ҳокимиятига, балки диний ҳокимиятга ҳам эга бўлган.



Эреже нима?

Туркистондаги кўчманчи халқлар бий судларига амал қилишган. Бу судлар шариатдан кўра кўпроқ аъёналар, одатларга асосланган. Одатлар қозоқ ва қирғизларда ҳуқуқий эмас, балки ҳаётий меъёр эди. Ўта муҳим ишлар махсус қурултойларда, яъни кўчманчи аҳоли катта зиёфат, маърака ва йигинларга тўлланган вақтларда чақириладиган махсус қурултойларда ҳал этилган. Фавқуллодда чақириладиган қурултойларда одатга кўра, ишларни кўриб чиқишдан аввал қурултой ўзининг махсус қарори (эрежеси)да барча қозилар риюа қилиши лозим бўлган қоидаларни баён этган. Эрежеда нафақат судлов қонун-қоидалари, балки моддий-ҳуқуқ меъёрлари: кўрилаётган иш бўйича ўтган муддат, чорва моллари баҳоси, "хун" бўйича тўлаш ҳақи, ҳукми сиртдан чиқариш ва ҳоказолар айтиб ўтилган.

Қозилар қариндоши ишини кўришмаган

Шариат қонунларига мувофиқ, қози айбдорга қариндош ёки адоватда бўлган ҳолларда ишни кўриб чиқишдан четлатилган. Давлат томонидан қозиларга маош тўланмаган, улар даъволашаётган тарафлардан олинган маблағ ҳисобига кун кечирганлар.

Шарманда бўлиш ор саналган

Мустамлака даврига қадар кўчманчи халқларда маъжуд бўлган жазолаш тизими айбдорни жисмонан қийноққа солиш эмас, балки халқ олдида шарманда қилишга асосланган. Бунда айбдорни жамоат олдида савалашган, унинг шарманда бўлганини кўриш учун аҳоли ерга доира чизиб, айбдорни бир неча соатга, баъзан бир неча кунга доира ичида қолдиришган. Бундан ташқари, бошқа жазо турларидан ҳам кенг фойдаланилган. Қамчилаш ва ўлим жазоси камдан-кам ҳолларда қўлланилган.

Тарихчи олима Шоҳиста ЎЛЖАЕВА билан ҳамкорликда тайёрланди.

Акумуляторни 30 сонияга тўйинтириш мумкин

2013 ЙИЛИ ўтказилган "Intel foundation young scientist award" танловиди иккинчи ўрин Американинг Калифорния штатидан Ойша Кхарегга насиб этган эди. У ўзининг иқтидори ва бугунги кунда энг долзарб бўлган аккумуляторларни тезда қувватлаш бўйича янги инновацион гоёси билан омма эътиборини жалб қилди. 18 ёшли ихтирочи Ойша Кхарег мазкур инновацион гоёси учун 50 минг АҚШ доллари атрофида мукофотга эга бўлди.

Маълумки, технологиялар асрида техникага бўлган талаб ҳам ортади. Уяли телефонлардан узоқ вақт фойдаланганимизда уларнинг қуввати тезда тугаб қолади. Оқибатда, уларни қувватга тўйинтириш учун 2 ёки 3 соат вақт кетади. Бироқ Ойша Кхарегнинг ўйлаб топган усулида бундай мобил телефонларни 20-30 сонияда қувватга тўлдириш мумкинлиги кўпчиликини ҳайрон қолдирди. Ихтирочи омма эътиборига ана шундай юқори ва тезкор зарядлашда хизмат қиладиган миттигина электр тўллайдиган нанобатареякани тақдим этди. Бу мослама келажакда уяли телефон, планшет ва ноутбукларнинг ишлаб чиқариш тизимини ҳам ўзгартириши турган гап.



Энг хавфли маҳсулот

Онколог Андрей Пилев Звезда телеканалига берган интервьюси қайси озиқ-овқат маҳсулотлари саратон хавфини келтириб чиқаришини айтди.

Пилевнинг тадқиқотларига кўра, кимёвий ишлов берилган қизил рангли гўштни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш онкологиянинг ривожланишига сабабчи бўлади. Шифокор таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда бу исботланган омил. Унга кўра, спиртли ичимликлар ва кунлик овқатланиш тартибида ўта қайноқ егуликларни истеъмол қилиш ҳам кам сонли тўқималарнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Сув қувурларидан спиртли ичимлик оқа бошлади

Ҳиндистоннинг Триссур шаҳридаги кўп қаватли уйда ўн саккиз оила ичимлик суви муаммоси ва ювинолмаётганидан шикоят қилган, дея хабар беради "The News Minute".

Одамлар дастлаб алкогольнинг ҳиди бутун уйда ўрнашиб қолганлигини, сўнгра крандан ликёр билан сув аралашмаси оқаётганини айтишган.

Маълум бўлишича, бир неча йил олдин тураржой биносининг

ёнида бар бўлган. Кейинчалик у ёпилган ва спиртли ичимликлар мусодара қилинган. Ўтган ҳафта мансабдор шахслар уларни йўқ қилишга рухсат олган ва бар яқинида спиртни кўмиб қўя қолишган. Шундан сўнг, 6 минг литр спирт сув таъминоти тизимига сўрилиб, сув билан аралашиб кетган.

Айни пайтда ҳукумат зарар кўрган аҳолига ичимлик суви етказиб беришни ташкил этишган. Қудуқни тозалаш ишларини бошлаб юборишган.



Синтетик кийимлар организм учун хавфлими?

Маълумотларга кўра, сўнгги 15 йилда кийим ишлаб чиқариш 2 мартага кўпайди. Бу эса қуйидаги оқибатларга олиб келмоқда:

— ҳар йили дунёда 2 миллиард дونا жинси шим текилади. Ҳар бир шимни ишлаб чиқариш учун 7000 литр сув, футболка учун эса 2500 литр сув сарфланади. Бунча сувни бир инсон 900 кун давомда истеъмол қилади.

Синтетик кийимлар кўпайиб бормоқда, уларни ишлаб чиқаришга нефть ва газ сарфланади.

Кийимни бўяш учун 1,7 миллион тонна турли хил кимёвий моддалар ишлатилади. Уларнинг аксарияти инсон соғлиғи учун зарар. Қийнада эндокрин, юрак тизимлари, нафас олиш йўлларига салбий таъсир кўрсатади, сара-

тон, бепуштлиқ, қандли диабетни келтириб чиқаради. Ювганда сувга чиқадиган зарарли моддалар атрофни заҳарлайди. Синтетик кийимлар ювилган оқова сув 25 фоиз микропластикни сувга чиқаради, улар эса дарё, ҳовуз ва денгизга оқизилади. Бугун кунда 100 хилдан ортқ денгиз ҳайвонлари танасидан микропластик топишган.

Ҳар йили 400 миллиард м² матодан кийим текилганда 60 миллиард м² қийтиқ, текстиль чиқиндилар чиқади. Ҳар йили дунёда 80 миллиард дона турли хил кийимлар ишлаб чиқарилади. 2 ойдан сўнг уларнинг 4/1 қисми чиқиндига ташланади.


Уртача одам бугун 60 фоизга кўпроқ кийим сотиб олади. 15 йил илгари бу 25 фоизни ташкил этган.



1500 йил яқинлашиш мумкин эмас

Биринчи рентген аппарати ҳамда илк марта кимёвий элемент радий (радиоактивликка эга бўлган кимёвий элемент)ни кашф қилган аёл ҳақида эшитганимиз? Уни радиоактив физиканинг онаси, деб ҳам аташади. У нурланиш касаллиғидан вафот этган.

У физика ва математика бўйича икки мартаба Нобель мукофотини қўлга киритган. Мария



турмуш ўртоғи билан радиоактив моддалар устида тадқиқотлар олиб борган. Бу тадқиқотлар учун у катта товон тўлаган, яъни соғлиғидан ажраган. У Польшада оддий оилада туғилган, ҳаёти машаққатларда ўтган бўлса-да, полоний ва радийни кашф этиб, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшди.

Парижнинг Миллий кутубхонасида кўрғошин қопламали кутиларда унинг нарсалари ва лаборатория ускуналари эҳтиёткорлик билан сақланади. Олимларнинг эътирофида, юқори радиация хавфи туфайли унинг шахсий буюмларига 1500 йил яқинлашиш мумкин эмас экан.

Парижнинг Пантеон шаҳрида радиоактив нурланишдан ҳимоя қилувчи махсус тобутда Мария Кюри кўмилган. Кутубхонага ташриф буюрувчилар, Кюрининг кундалиги ва журналлари билан танишишдан аввал хавф борасида огоҳлантирилганликлари ҳақидаги ҳужжатга имзо чекадилар, албатта, радий билан зарарланмасликлари учун ҳимоя мосламасини кийиб оладилар. Бу қоида яна бир ярим минг йилдан сўнг ўз кучини йўқотган.

Муҳаббат ЭРГАШЕВА, Мафтун ЖАМИЕВА, Наманган шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчилари

3 АМОН билан ҳамнафас бўлиш муваффақият гарови. Бу омил, айниқса, молия муассасалари учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугун замон шиддаткор. Технологялар илғор. Рақобат кучли. Бу — талаб ортиб бораверади, хизматларни ҳам шунга мослаштирилиши зарур, дегани.

Акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг бугунги иш тутумини даврининг айна шу талабларига жавоб беради, десак, муболага бўлмайди. Негаки, сўнгги пайтларда, хусусан, охириги ойларида мазкур молия муассасаси томонидан бир қатор янги хизматлар жорий этилаётгани, уларни алоҳида эътироф этиш лозим. Бинобарин, бу хизматлар ишлаб чиқишида ҳеч бир тармоқ ёки аҳоли қатлами эътибордан четда қолмаяпти. Масалан, жорий йилдан бошлаб банк томонидан пенсионерларга қўлайлик яратиш мақсадида яна бир янгиликка қўл урилди. Гап шундаки, банк мутасаддилари аҳолига, хусусан, пенсионерлар манфаатини кўзлаб, маҳаллаларга банкوماتлар ўр-

“Халқ банки” аҳолига яна бир қўлайлик яратмоқда

Бектемирда бошланган ташаббус ҳақида

натишни бошлади ва бу борадаги пилот лойиҳа манзили сифатида пойтахтимизнинг Бектемир тумани танланди. Айни пайтда туман маҳаллаларида “Халқ банки” банкوماتлари орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Шу ўринда “Банкоматлар муомалага киритилганига бир неча йил бўлди, янгилик эмас-ку”, деган савол туғилиши табиий. Чиндан ҳам, ҳаётимизга банкوماتлар кириб келганига анча бўлди. Улардан мунтазам фойдаланаямиз ҳам. Лекин банкнинг ушбу ташаббуси “Пенсия овердрафт” картаси хизматининг мантикий давоми эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Яъни, ушбу карта айнан пенсионерлар учун мўлжалланган бўлиб, маҳаллаларга ўрнатилган банкوماتлар эса уларга янада қўлайлик яратади.

“Пенсия овердрафт” картаси пенсия олувчиларнинг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул тақдим этилади. “Пенсия овердрафт карта”си фойдаланувчиси зарурат бўлганда пенсия маблағлари молиялашгунга қадар банк томонидан пенсия маблағининг 50 фоизи миқдоридан овердрафт кредити 12 ой муддатга ажратади.

Содда қилиб айтганда, сизнинг пенсиянгиз, айтилик, бир миллион ва ушбу сумма ойнинг бошида пластик картангизга ўтказиб берилган. Яъни, пенсияни олгансиз. Бироқ сизга яна қўтилмаган харажат учун 500 минг сўм пул зарур. Шунда сизга ушбу карта қўл келади. Яъни, кейинги ой пенсияларингиз ҳисобидан банк шунча кредит беради. Худди қўшингиз ёки танишингиздан қарз олгандек. Бунинг учун банк хизмат ҳақи олади,

албатта. Лекин бу шартда ҳам ойига қайтариладиган 1,6 фоизни фақат ишлатган маблағ учун тўлайсиз, холос.

— Бундан ташқари, Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур хизмат, яъни “Пенсия овердрафт” картаси орқали барча турдаги тўловларни тўлаш ва нақд пул ечиш мумкин, — дейди “Халқ банки”нинг Пул муомаласи ва касса операциялари департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Турғунбой Мамбетов. — Эътиборлиси, “Пенсия овердрафт карта”сидан нақд пул ечилганда, ҳеч қандай фоиз



олинмайди. Аксинча, мазкур картадаги маблағларга йиллик 8 фоиз миқдоридан даромад тўланади.

Айтиб ўтганимиздек, Бектемир туманидаги 12 та маҳаллада мазкур лойиҳа синовдан ўтказилмоқда ва у кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бунинг Бектемир ҳамда Миришкор маҳалла фуқаролар йиғини аҳлининг қўйидаги фикрларидан англаш қийин эмас.

Ўролбой ҲОШИЕВ, Бектемир МФЙ раиси:

— Аввало, шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу муаммаларнинг ҳаллига алоҳида эътибор берилган. Бинобарин, Президентимиз қайси тадбир ёки мажлисда бўлмасин, барчасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади. Раҳбарларга халқ орасида бўлиш, одамларни қўйидаги муаммаларга ечим топиш зарурлиги хусусида топшириқлар беради. “Халқ банки”нинг ушбу ташаббусини ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси, деб биламан. Чунки бу билан бир қатор овозгарчиликларнинг олди олинди. Айтилик, кимгадир нақд пул зарур бўлиб қолди. Шунда у нима қилиши керак? Албатта, яқин атрофдаги банк филиалига ёки бозор, супермаркет сингари аҳолига яқин жойдаги банкوماتларга бориб келишига тўғри келади. Натижада ҳам ортиқча вақт ўқотади, ҳам қўшимча харажат қилишига мажбур. Агар ёши улугроқ бўлса, янада кўпроқ қўйидаги шунинг мумкин. Бу энг оддий мисол.



Рустам ҲОШИМОВ, Миришкор МФЙ раиси:

— “Халқ банки”нинг ушбу ташаббуси, том маънода, одамлар учун қўлайлик яратди. Қўлайлиги нимада? Битта мисол билан тушунтириб берай. Маҳалламизда 600 нафардан зиёд пенсионер истиқомат қилади. Гап шундаки, шу пайтгача пенсияга навбат кутдиларди. Ҳар хил об-ҳаво шароитида қариялар учун бу анча ноқулай.



Ёки пенсия тарқатиладиган кун кимдир уйда бўлмайди, келишга вақт тополмайди. Банк жадвал асосида бугун бизнинг маҳаллада бўлса, эртага бошқа ҳудудда. Шу жиҳатдан қараганда, ортиқча овозгарчиликларнинг олди олинди. Маҳалламиз эшиги доим очик. Кимга нақд пул зарур бўлса, бемалол ечиб олиши мумкин. Эътиборга молик яна бир жиҳати, бундай имкониятга фақат пенсионерлар эга эмас. Бошқалар ҳам эркин фойдаланмоқда. Бу борада ҳеч қандай узилиш бўлаётгани йўқ.

Қобил ҲОШИМОВ, маҳалла фаоли:

— Банкнинг ушбу хизмати биз учун айни муддао бўлди. Масалан, ўзим бир неча пул зарур бўлганда, банкка бориб, вазиятни тушунтириб, пенсиямни олдиндан олишига мажбур бўлганман. Энди бунга ҳожат йўқ. Банкومات шундоқ ёнимизда. Эҳтиёж туғилса, шу ёрнинг ўзида ечиб олаверамиз. Муҳими, бунда фоиз олинмас экан. Аксинча, сақлангансиз кўпаяркан. Ҳатто, пенсиянинг ярмига тенг қарз олиш мумкин.



Рости, “Пенсия овердрафт” картаси мен учун жуда қўлай. Олдингидай навбатга туриш, куттиш йўқ. Ҳар ой бошида телефонимга хабар келади. Узимнинг вақтимга қараб, маҳаллага келаман. Банкوماتдан зарур суммани оламан. Бу катта ёнгилик, албатта. Шу боис бошқаларга ҳам ушбу картани тавсия қилаялман.

Қобил ҲОШИМОВ, маҳалла фаоли:

— Чет элда кўриб ёки эшитиб ҳайратланган янгиликларимиз бугун ҳаётимизга, кундалик эҳтиёжимизга чуқур кириб келмоқда. Булардан барчамиз баҳраман бўлаялми. Масалан, банк вакилларининг маҳалла оралиб, уйма-уй юриб, ўз хизматларини тарғиб қилишини, мижозлари тақлифларини эшитишини яқин вақтларгача тасаввур эта олмадик.



Қарангки, бугун вазият тамомилан бошқача тус олмоқда. Банклар ўз хизматлари билан одамлар орасига кириб келмоқда. Мавжуд масалаларни биргаликда ҳал қилиш йўллари излашмоқда. Маҳалламиз биносига нақд пул ечиш имконини берувчи банкوماتлар ўрнатилиши бунга мисол бўла олади.

Яна бир гап. Бирор бир янгилик жорий этилишдан олдин унга мос инфратузилма яратилиши керак. Бу, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ниҳоятда муҳим. Шу маънода, “Халқ банки”нинг ушбу жиҳатда алоҳида эътибор қаратаётгани диққатга сазовор. Демокриманки, банк пенсия картасини бериш баробарида уни ишлатиш учун ҳам шароит яратмоқда.

АТ “Халқ банки” Бектемир филиали бошқарувчиси Жасур Солиевнинг айтишича, айни пайтда улар томонидан тумандаги 5 469 нафар пенсионерга хизмат кўрсатилмоқда. Бунда 12 та маҳаллага “Humo” ва “Uzcard” банкوماتлари тўлиқ ўрнатилгани қўл келаятган бўлса, ётоқдаги 928 нафар пенсионернинг уйига етказиб бериш учун ҳам транспорт ва мутахассислар ажратилган.

Қувонарлиси, маҳаллаларга ўрнатилган банкوماتлар ва яратилаётган қўлайликларни кўриб, жорий йилнинг ўтган даврида пенсиясини пластик картасига ўтказишни сўраб, 1052 нафар пенсионер ариза билан мурожаат қилган.

Бу — бошланиши. Бектемирда муваффақиятли синовдан ўтган лойиҳа ҳали республикамиз бўйлаб янада оммалашади. Чунки унга бўлган қизиқиш ва талаб юқори.